



ЎзХДП СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА

СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР БИЛАН ЎЛЧАНАДИ

АЙНИ КУНЛАРДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЎзХДПНИНГ 797 БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. УЛАРГА 35 МИНГ НАФАРДАН ОРТИҚ ПАРТИЯМИЗ АЪЗОСИ БИРЛАШГАН. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА ПАРТИЯМИЗДАН 17, ШАҲАР ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИДА ЭСА 128 НАФАР ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА.



Вилоятда партиямиз гоёлари тарғиботини кучайтириш, аҳоли, сайловчилар орасида партиямиз нуфузини ошириш мақсадида изчил равишда сиёсий ўқувлар ўтказиб келинмоқда. «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш» маркази», «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулимиз» каби лойиҳалар ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йилда маҳаллий Кенгашлар сессияларида электроратни ўйлантираётган 20 га яқин долзарб масала киритилди. Улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган, ижросини таъминлаш мақсадида

депутатларимиз ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Биланмики, мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган демократик жараёнлар сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувида ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишдаги масъулиятини оширмоқда. Бугунги кун сиёсий партиядан ўз Сайловолди платформасини бажариши учун ташаббускор бўлишни, ҳаётий тақдирларини илгари суришни, энг муҳими, уларни амалга ошириш учун қатъият кўрса-тишни талаб этмоқда.

Шунинг учун маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳлари ва партия

ташкилотлари Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга астойдил киришган. Хусусан, сайловчилар билан бирга ҳамқадам ва ҳамнафас бўлаётган депутатларимиз жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллий Кенгашлар сессияларида касб-хунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, қўлқаватли уйларида истиқомат қилувчи аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, кексалар ҳамда ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш каби ўнга яқин масалаларни киритди.

► Давоми 2-бетда.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

29 ИЮНЬ КУНИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Парламент қўйи палатасининг кун тартибига «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини ҳамда мамлакатимиз ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган бошқа қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини муҳокама этишга доир масалалар киритилди.

Барча масалалар олдиндан сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси бир қатор қўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ҳамда идоралар вакиллари иштирокида муҳокамадан ўтган эди. Уларни муҳокама қилиш жараёнида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор амалий тақлифлар билдирилди.

Депутатлар ўз ишларини Мамлакатимизда демократик

ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини муҳокама қилишдан бошлади.

Таъкидландики, инвестиция ва пай фондлари жаҳон амалиётида кенг ёйилган. Шу сабабли «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини сифатли тайёрлаш мақсадида АҚШ, Германия, Корея, Россия ва бошқа мамлакатларнинг ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари таҳлилдан ўтказилди. Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунлар инвестиция ва пай фондларини ташкил этиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Уларда «Инвестиция ва пай

фондлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган асосий нормалар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунни қабул қилиш зарурлиги шу билан изоҳланадики, мазкур институтлар ўзига хос механизм бўлиб, ушбу механизм ёрдамида хусусий шахслар пул маблағлари ва бошқа активларни бошқариш учун профессионал менежерлар қўлига топширадилар. Натижада жамоавий инвестициялаш тизими ишга тушади ва бу бўш турган пул маблағларини ҳаракатга келтириш ҳамда уларни миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиялаштиришга йўналтириш имконини беради.

Бинобарин, инвесторлар киритган маблағларнинг ягона жамланмиси шакллантирилади. Унда ҳар бир инвесторнинг ўз инвестицияларига мутаносиб улуши бўлади. Бу профессионал бошқаруви, харажатлар ва таваккалчиликлар диверсификация қилиниши ҳамда камайишини таъминлайди.

Янги қонуннинг қабул қилиниши фонд бозори томонидан иқтисодиёт тармоқлари ўртасида сармоянинг эркин оқими таъминлаш, инвесторларга ва аҳолининг кенг қатламларига капитал бозорига кириш имкониятини бериш, жамғармаларни шакллантириш ва қўлайлиги учун муқобил имкониятлар яратиш каби вазифалар янада самарали бажарилишига хизмат қилади.

«Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

— Партиямиз Сайловолди дастурининг асосий қоидалари нуктаи назардан инвестиция ва пай фондларини бошқариш институти алоҳида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик. Чунки у аҳолининг мамлакатимиз молия институтларига ишончи ошишига, фуқароларнинг даромадлари қўлайлиги, шу асосда одамларнинг турмуш даражаси ва сифати юксалишига жиддий таъсир кўрсатади, — деди Ўзбекистон Халқ демократик пар-

тияси фракциясининг аъзоси К.Мирзаев. — Шунга қарамай, амалдаги қонун ҳужжатларида ҳозиргача ана шу фондларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун йўқ. Инвестиция ва пай фондларини ташкил этишнинг асосий принциплари, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фондларни тартибга солувчи ваколатли давлат органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилмаган «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилишнинг аҳамияти ана шулар билан изоҳланади.

Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг қоидаларини маъқулладилар ва уни қабул қилдилар.

Депутатлар кун тартибига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аxbорот хизмати (Материал қисқартирилган ҳолда берилмоқда).

МУНОСАБАТ

Президентимизнинг 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табриқи журналистлар, ноширлар, матбаачилар ва бутун халқимиз томонидан қизгин кутиб олинди.

ЮКСАК ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ



Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Президентимизнинг табригини эшитар эканман, мустақиллик йилларида матбуотимиз тараққиёти йўлида қилинган бекиёс ишлар ҳаёлимдан бирма-бир ўтди. Мамлакатимизда матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, халқимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида кенг қўлла-ли ислохотлар амалга оширилганини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз.

Жамиятда ахборот олиш ва уни тарқатиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар замонавий, халқаро андозалар асосида тобора такомиллаштирилмоқда. Сўнгги йилларда юртимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида 10 га яқин қонун қабул қилиниб, қўллаб-қувватлашга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Бўларнинг ҳаммаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ривожига хизмат қилмоқда. Табрикда таъкидланганидек, бугун юртимиздаги босма нашрларнинг 60 фоизга яқини, телерадиоканалларнинг 67 фоизи, интернет нашрларининг эса 95 фоизи давлатга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалардир. Бу нимани аңлатиши? Демак, юртимизда демокра-

тик жараёнлар тобора чуқурлашиб, фуқаролик жамияти ривожланиб бормоқда.

Дунёдаги демократик давлатлар тажрибаси шуни тасдиқлайдики, нодавлат оммавий ахборот воситаларида доимий равишда долзарб ижтимоий масала ва мавзулар кўтарилиши, уларда фуқаролар, кенг жамоатчилиқнинг фикри ва қарашлари акс этиши катта аҳамият касб этади.

Асли касбим журналист. Президентимиз табригини ҳам журналист, ҳам депутат сифатида диққат билан ўқиб, бир хулосага келдим. Унда ҳозирги глобаллашув жараёнида, ахборотга эгалик қилиш учун кураш авж олаётган, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган бир шароитда журналистлар олдида турган долзарб вазифа кўрсатиб ўтилди. Бу жараёнда дунё ахборот маконидан муносиб ўрин эгаллашимиз учун қонуний асосларнинг ўзи, турли имтиёз ва қўлайликлар яратилиши камлик қилади. Бунинг учун энг аввало журналистларимизнинг билими ва профессионал маҳорати юқори бўлиши зарур. Бу талаб доим изланиш, ўқиш, ўрганишни тақозо этади.



Анвар АБДУВАЛИЕВ,
«O'zbekiston»
телерадиоканали
директорининг ўринбосари:

— Касбинг ва меҳнатинг ҳақида яхши гап эшитсанг, қувонасан, гурурланасан, албатта. Аммо мамлакат раҳбаридан эътироф эшитиш киши қалбини қанчалик фахр-ифтихорга тўлдиршини сўз билан ифодалаш қийин экан.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Президентимиз табриги ўқиб эшиттирилаётганида, тўғриси, ҳаяжонлиб атрофга қарадим. Ҳаммамиз юз-кўзидан қалбида қувонч, гурур жўш ураётгани кўриниб турарди. Айниқса, табрикдаги сиз, азиз журналистларни мен доимо қўллаб-қувватлашга, ҳар томонлама ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканлимин, сизларни ўзимнинг энг яқин ҳамфироқ ва маслакдошим, деб билишимни яна бир бор изҳор этмоқчиман, деган сўзлар бизни қаттиқ тўлқинлантириб юборди, кучимизга куч қўшди, қадимизни янада баланд кўтарди.

Бу сўзлар журналист меҳнатининг жамиятдаги ўрни нақадар баландлигини кўрсатади, матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг нуфузини янада оширади.

Табрикда айтилганидек, мустақиллик йилларида миллий матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, хусусан,

моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг қўллаш ишлар амалга оширилди. Бунинг тасдиғини Ўзбекистон Миллий телерадиоканалларининг мисолида ҳам кўриш мумкин. Катта маблағ ҳисобига энг замонавий техникалар келтирилди, янги-янги каналлар очилди. Натижада табрикда алоҳида таъкидланганидек, яқин ўтмишда атиги 24 соат эфир вақти бўлган телерадиоканалларимиз каналларининг бутунги эфир вақти бир кеча-кундузда 520 соатни ташкил этмоқда. Бу рақамлар айтишга осон, бунинг ортда улкан эътибор, меҳнат ва маблағ ётибди.

Президентимиз томонидан бизга кўрсатилаётган бунчалик ғамхўрлик, билдирилаётган ишонч зиммамизга катта масъулият юклатганини ҳам юракдан ҳис этиб турибмиз. Менинг фикримча, ўз тақдирини журналистика билан боғлаган ҳар бир ҳамкасбимиз табрикни қайта-қайта ўқиб чиқиши ва ўз вазифасини аниқ белгилаб олиши зарур. Табрик маъно-мазмунига диққат-эътибор билан қаралса, биз, журналистларга катта ишонч билдирилаётгани ақвол сезилади. Ана шу юксак ишонччи оқласаккина, Юртбошимизнинг ҳақиқий ҳамфироқи ва маслакдошига айланамиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ОДАМЛАР ИШОНЧНИ
ОҚЛАШ
партиянинг жамиятда нуфузини оши-
ришга хизмат қилади

Халқ депутатлари Жиззах туман
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи
«Фуқароларнинг мурожаатлари
тўғрисида»ги қонун ижросини ўрганиб
чикди.

■ ЎЗХДП СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАХЛИЛ, МУЛОҲАЗА

СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

ҳаётини ташаббуслар билан ўлчанади



Алиёр РАЖАБОВ олган суратлар.

АНИҚ МАҚСАД ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ЎЗХДП дастурига мувофиқ, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўиш партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳларнинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Чунки шу орқали электротар манфаати ҳимояси таъминланади, халқимиз ҳаёти янада фаровонлашади.

Электротар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида маҳаллий Кенгашлар сессияларига 2011 йилда 6, 2012 йилда 21, 2013 йилда 28 масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, депутатлар фаолиятида ўсиш кўзга ташланади. Бу партияимиз гуруҳлари ягона мақсад йўлида ҳаракат қилиб, тажриба орттириб бораётгани билдиради. Лекин, негацир, 2014 йилда маҳаллий Кенгашлар сессияларига масала киритишда партия гуруҳларимиз фаолиятида бироз сустлашқил кузатилди. Улар томонидан сессияларга 15 та масала олиб чиқилди ҳолос. Биз бунинг сабабларини таҳлил қилганимиз. Вилоят Кенгашидаги партияимиз гуруҳи ташаббускорлигини кўпайтириш, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари фаолиятини янада самарали ташкил этишга эътибор қаратмоқдаимиз.

Аҳоли, хусусан, касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш устувор вазифадир. Бу борада ҳамкор ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилгани ижобий натижаларини бермоқда. 2013 йилда музработлик 11 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси, термизлик 12 нафар ёш тадбиркорга қарийб 500 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини беришни сертификатлар топширилди. Денов ва олтинсойлик 30 нафардан ортқ йигит-қиз ҳам ана шундай имкониятга эришиб, кредитлар олишди. Натижада 300 дан ортқ янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, партияимизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури қабул қилинган. Унинг ижросини таъминлаш учун вилот кенгаши, жойлардаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари томонидан аниқ вазифалар белгилаб олинди. Қумқўрғон тумани ва Термиз шаҳрида уч марта партия етакчилари ва депутатлик гуруҳлари раҳбарлари иштирокида ҳудудий семинарлар ташкил қилдик. Электротар вакилларини ўйлантираётган масалалар ўрганилиб, тақлиф ва ташаббуслар қўллаб-қувватланмоқда. Аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда фаолият кўрсатсак, устувор вазифалар, албатта, амалга ошади.

Фаррух АБЖАЛОВ,
ЎЗХДП Сурхондарё вилот кенгаши бўлими мудири.

ЎЗХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИГА МУРОЖААТ ҚИЛГАН ЭДИК...

ЎЗХДП томонидан Жамоатчилик қабулхоналарининг ташкил қилингани партиянинг катта ютуғи бўлди. Унда нафақат электротар вакилларини қўйнаётган масалалар, балки халқимизни ўйлантираётган муаммолар ҳам бартараф қилинмоқда.

Маҳалламиз туман марказидан 10-12 километр олисда жойлашган. 2 минг нафардан ортқ аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда 250 дан кўпроқ хўжалик бор. Бундан ташқари, 41-умумтаълим мактаби ва талай муассасалар фаолият кўрсатмоқда. Кўп йиллардан буён сурғиш ишларида муаммо бўлаётганди. Мушқуллимизни осон қилишларини сўраб, тегишли идораларга бордик. Аммо бизни ҳеч ким тингламади. Ўтган йилнинг баҳорида ЎЗХДП Жарқўрғон туман кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдик. Шундан кейин муаммони бартараф қилиш чора-тадбирлари қўрилди.

Оққўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини, «Эски қўрғон» ва «Нурли келажак» фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда мутасаддилар иштирокида масала атрофича ўрганилди. Кўп ўтмай, «Оққўрғон 6-1» зовурунинг 1,5 километрини тозалаш ва таъмирлаш ишлари бошланди. Аммо орада негацир ишлар тўхтаб қолди. Яна Жамоатчилик қабулхонасига боришга тўғри келди. ЎЗХДП туман кенгаши раиси Алишер Маматмуродовнинг ташаббуси ва кўмаги билан масала ижобий ечим топди. Бугунги кунда 250 дан ортқ хонадоннинг томорқаси, «Эски қўрғон» ва «Нурли келажак» фермер хўжаликлари ер майдонлари оби-ҳаётдан баҳраманд бўляпти. Сув келтирган, кўприк қурган савоб, дейдилар. Элнинг мушқулларини осон қиладиган инсонлардан беҳад миннатдоримиз.

Бобомурод ЧОРИЕВ,
Жарқўрғон тумани, Оққўрғон маҳалласидан.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ, МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Аёллар жамият кўрки, миллат давомчиларидир. Бугун озод юртининг фаол аёллари Ватан ривож, мустақил Ўзбекистоннинг равнақи йўлида фидойилик кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Айни пайтда вилотдаги партияимиз аъзоларининг 30 фоиздан кўпроғи, яъни 12500 нафарга яқинини хотин-қизлар ташкил қиладди. Маҳаллий Кенгашларда ЎЗХДПдан сайланган 24 нафар аёл депутат фаолият кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда сафаримизга ташаббускор, интилувчан хотин-қизларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 2 мингга яқин фуқаро партия сафига қабул қилинган бўлса, уларнинг қарийб 350 нафарга яқини чекка ҳудудларда яшаётган хотин-қизлардан иборат «экан» ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Хотин-қизлар фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, меҳнат қилишлари учун уларга муносиб шароит яратиш ЎЗХДП Сайловонди ва Ҳаракат дастурида устувор вазифа этиб белгиланган. Шу боис сафимизни фаол, изланувчан ва ташаббускор хотин-қизлар ҳисобига кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Бунинг учун жойларда семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Термиз, Жарқўрғон, Денов, Олтинсой, Қумқўрғон, Шўрчи, Узун, Сарисойи ва бошқа туманларда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида 50 дан ортқ учрашув ташкил қилинди. Натижада хотин-қизларнинг бандлиги таъминланиб, уларни қўйнаётган масалалар ижобий ечим топди. Юздан ортқ кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила-лар ҳомийлар кўмағида моддий қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, Бойсун, Денов, Шўрчи, Узун ва бошқа туманларда семинарлар ўтказилди. Ўнлаб хотин-қиз ўз тадбиркорлигини бошлаб, янги иш ўринлари яратилди.

Масалан, Термиз туманидаги «Дўстлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Малоҳат Муроталиева болажонлар учун турли уйинчоқ ва сумкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлардан бугун миқозлар мамнун. Дастлаб уч нафар киши меҳнат қилган жамоада жорий йилда яна 7 та янги иш ўрни яратилди. Демак, ҳар бир киши вақт ва имкониятдан унмил фойдаланса, албатта, кўзлаган мақсадида эришади...

Партияимиз устувор вазифаларидан келиб чиқиб, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни изчил давом эттирмайди. Уларнинг ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш, имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиш даражасини кўтариш чора-тадбирлари белгиланган.

Жамиятда ўз ўрнига ва мустақил фикрга эга аёл қил фарзанд тарбиялаш баробарида, юрт ривож учун ҳам муносиб ҳисса қўша олади. Бизнинг барча савий-ҳаракатимиз, ҳар бир лойиҳамиз ана шу мақсадга қаратилган.

Нилуфар ШАЙМАНОВА,
ЎЗХДП Сурхондарё вилот кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири.

ФАХР, ИФТИХОР ВА ҒУРУР

ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзосиман. Тенгдошларимиз билан доим ҳаётдаги режа ва мақсадларимиз ҳақида фикрлашиб тураимиз. Бизга кенг имкониятлар яратилгани ҳақида гурурланиб гапирамиз.

Болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибордан хурсандимиз. Ўтган қисқа даврда воҳа марказида «Сурхон» спорт мажмуаси, 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, «Дельфин» сузиш ҳавзаси ва ўнлаб спорт масканлари ўғил-қизлар ихтиёрига топширилди.

Ҳар бир йигит-қизда истак, хоҳиш ва кучли ирода бўлса, кўзлаган мақсадида албатта эришади. Ёрқин галабалар мени ҳам ана шундай улуг мақсадларга етаклади ва 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI Осиё ўйинларида бронза медали соҳибига айландим. 2011 йилда эса Франция пойтахти Парижда ўтказилган олтин медални кўлга киритдим. Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида яқунланган XVII Осиё ўйинларида кумуш медал насиб этди.

Инсон учун чинакам бахт — орзуларининг ушатишида, деб ўйлайман. Уни амалга ошириш учун эса доимо олға интилиш лозим. Мамлакатимизнинг чекка ҳудудида яшаётган ёшларнинг жаҳон майдонларида улкан ва оламшумул галабаларга эришаётгани ҳар биримизда фахр ҳиссини уйғотади. Халқаро майдонда юртимиз шарафини ҳимоя қилар эканман, кўз ўнгимда доим она қишлоғим, жаннатмонанд ва жондан азиз ватаним гавдаланади. Ҳар гал мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаганимда, «Истиқбол» ёшлар қанотидаги дўстларим ёнига шошман, улар билан таассуротларимни ўртоқлашаман. Бу суҳбатлар асосида бизда янги ғоя ва мақсадлар пайдо бўляди...

Барно МИРЗАЕВА,
XVII Осиё ўйинлари совриндори,
ЎЗХДП аъзоси.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ФАОЛ БЎЛСА, ТАШАББУСЛАР КўПАЙДИ

Бошланғич партия ташкилотлари партиянинг мустаҳкам пойдеворидир. Таянч мустаҳкам бўлсагина, ташаббус, ривожланиш ва тараққиёт буй кўрсатади. Биз меҳнат қиладиган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси 166-йўл машина станцияси ҳам ана шундай жамоалардан бири. Айни кўнларда бу ерда 200 га яқин ходим фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 50 нафари партияимиз аъзоси ҳисобланади.

Фаолларимизнинг кўпчилигини мамлакат тараққиёти йўлида фидойилик намуналарини кўрсатган инсонлар ташкил қиладди. Ўзбекистон Қадрамони Юсуф Зияев, «Меҳнат шўҳрати» ордени соҳиблари Холмўмин Хўжамуродов, Аваз Сувонов, «Дўстлик» ордени соҳиблари Эргаш Саидхамедов, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибаси Мунаввара Маллаева, «Шўҳрат» медали билан тақдирланган Остонакул Бобожонов, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» Менгли Қўзиевлар фахримиздир.

Темирйўлларимиз ҳар бир амалга оширилаётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. «Термиз-Термиз-2», «Галаба-Амузанг», «Қумқўрғон-Сурхон» каби ўнга яқин йўналишлардаги вазифалар муваффақиятли амалга ошириляпти.

Амалдаги йилда темирйўлчилардан 10 нафари турли сихатгоҳларда соғлиқларини тиклаган бўлса, 26 киши моддий рағбатлантирилди. Ўттизга яқин меҳнат фахрийси юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёхатга олиб борилди.

Жамоамизда ўзаро ёрдам, ҳурмат, ҳамфикрлик бор. Шундан бўлса керак, муаммоларни биргаликда бартараф этаямиз. Демак, партия ташаббускорлиги ошишида унинг негизи бўлган БПТ муҳим ўрин тутди.

Холикул БЕРДИЕВ,
«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси 166-йўл машина станциясидаги ЎЗХДП бошланғич ташкилоти етакчиси.

ЁШЛАР КЕЛАЖАККА ИШОНАДИ

«Истиқбол» ёшлар қаноти 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган партия аъзолари ва хайрихоҳларни бирлаштирган. Айни кўнларда воҳада уларнинг сони 13 минг нафардан кўпроқ.

Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида сурхондарёлик ёшлар ҳам фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда улкан натижаларни кўлга киритмоқда. Ана шундай соғлом, ташаббускор ва фидойи йигит-қизларни сафларимизга қўшиш, уларнинг ютуқларини бошқа тенгдошларига ўрнатқ тарихида кўрсатиш учун жойларда «Бугунги талаба — эртанги мутахассис», «Кексалар — ёшлар аъзоси ва эътиборида» каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Масалан, ЎЗХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Олтинсой, Денов туманлари ва Термиз шаҳрида «Коллеждан-корхонага» мавзусида иқтисодий форумлар ўтказилди. «Истиқбол» ёшлар қанотининг вилот, туман ва шаҳар бўлимларида «Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхонаси» фаолият кўрсатмоқда. Бундай амалий ишларнинг самараси ўлароқ, кўплаб ёшлар ЎЗХДПни танламоқда. 2014 йилда мингга яқин йигит-қиз сафимизга қўшилган бўлса, жорий йилнинг ўтган беш ойида 450 нафарга яқин ёшларни партияимизга қабул қилдик.

Мана бир неча йилдирки, «Коллеждан-корхонага» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ўтган йили вилотда 40 мингдан зиёд коллеж битирувчилари мустақил ҳаётга қадам қўйган бўлса, уларнинг 90 фоиздан ортиғи муҳим иш ўрнига эга бўлди. 2014-2015 ўқув йилида 43500 нафардан кўпроқ тенгдошимиз катта ҳаёт оstonасига қадам қўяди. Айни кўнгача уларнинг асосий қисми билан уч томонлама шартнома тузилди.

Сафимиздаги ёшлар энг улуг маскан — Ватан, энг бебаҳо нәмат — тинчлик, энг масъулиятли вазифа эса эл-юртга хизмат қилиш эканини юракдан ҳис этмоқда. Улар эртанги партияимизнинг энг фаол аъзоларига айланади.

Суннатullo БОЗОРБОВЕВ,
ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Сурхондарё вилот бўлими етакчиси.

БИЗ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИ ТАНЛАДИК!

Агар Сурхондарё вилотининг Узун туманига йўлнингиз тулса, бу ерда барча жабҳаларда беқиёс ютуқлар кўлга киритилаётганига гувоҳ бўласиз. Янги объекتلарнинг ишга туширилиши, сервис ҳамда маиший хизмат соҳасидаги ўзгаришлар юртдошларимизга қўшимча қулайликлар яратмоқда.

2014 йил жойларда 100 дан ортқ турли ишлаб чиқариш шохобчаси фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 50 га яқин катта-кичик тадбиркорлик субъектлари иш бошлади.

Олис ҳудудда умргазаронлик қиладиган 150 минг нафардан ортқ аҳолининг яригиндан кўпчилиги ёшлар ва хотин-қизлар ташкил қиладди. Уларни қўллаб-қувватлаш, қулай шароитлар яратишда ЎЗХДПдан сайланган депутатлар фаоллик кўрсатмоқда. Муаммоларни бартараф қилиш, хотин-қизларни ўйлантираётган масалалар ечимида партия фаоллари яқин кўмакчи бўляпти.

«Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан яқинда туманимизда навбатдаги учрашув ўтказилди. Тадбирда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-тиббий маданиятини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларни ўйлантираётган масалаларни ижобий ҳал этиш чоралари белгиланди. Ўн бир нафар фахрийга совғалар топширилди.

Маълумки, ҳар қандай сиёсий партиянинг таъсир кучи, аввало, аъзоларининг салоҳияти билан белгиланади. ЎЗХДП ўз сафини иқтидорли ёшлар ва хотин-қизлар билан кўпайтиришни мақсад қилган фаол сиёсий куч. Унинг ғоялари ҳаётини. Кундалик, бир қарашда оддий кўринган масалаларни ҳал қилмасдан, юксак тараққиётга эришиб бўлмайди. Яқинда 10 нафар хотин-қиз бир пайтда ушбу партияга аъзо бўлдик. Бунинг сабаби, ЎЗХДП ғояларини қўллаб-қувватлаймиз. Электротарни ўйлантираётган муаммоларни бартараф этишда партиянинг ўзига хос йўли ва мақсади бор. Бу бизни руҳлантиради. Келажакда тарафдорларимиз сони янада кўпайишига ишонаман.

Сафаргул РАЖАБОВА,
Узун туманидаги «Янгийўл» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси.

Махсус саҳифа материалларини ўз мухбирларимиз — Абдумалик ХАЙДАРОВ ва Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.



Гиёҳвандлик инсонни ҳалокатга бошлайди. Бу жараёнга ҳеч биримиз томошабин бўлмаслигимиз керак.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 30-iyun. Seshanba
75 (31.978)-son

www.uzbekistonovozi.uz

3

■ ЎзХДП: МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

«Биз гиёҳвандликка қаршимиз!»

■ Гиёҳванд одам. Тарозининг икки палласига унинг топанлари ва йўқотганларини қўйлик: топанни — бир лаҳзалик ўткинчи роҳат ва оғир дард, йўқотгани — инсонийлик қиёфаси, оила, дўст-биродарлар, касб-кор...

Гиёҳвандлик дунёдаги кўплаб разил иллатлардан ҳам хавфли. Унинг домига тушган одамда руҳий ва жисмоний бузилишлар зўрайиб боради, у ҳар қандай хунрезликка тайёр бўлиб қолади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгаши ҳамкорлигида «Биз гиёҳвандликка қаршимиз!» мавзусида дав-ра суҳбати ўтказилди.

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари вакиллари ҳамда бир гуруҳ ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлар Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Хайдар Бобононов мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш

...Гиёҳвандлик инсон саломатлиги ва ҳаёти учун ўта хавфли, бунинг оқибатида қанчадан-қанча фожиалар юз бермоқда...



Санжар ШОТЎЛАНОВ олган сурат.

Гиёҳвандлик, энг аввало, инсонни ўзligидан айиради. Бунга ҳаётини мисоллар билан ёшларга тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш муҳим вазифалардан биридир.

— Гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний муомаласига қарши курашда фақат ҳамкорликдаги ҳаракатлар самара беради, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими

Назира Матёкубова. — Шу боисдан ҳам бу йўналишда маҳаллаларда, олий ўқув юртли, коллеж ва лицей ўқувчилари ўртасида тарбиявий-маърифий, профилактик чора-тадбирларни кучайтиришимиз лозим.

Партия электорати бўлган ёшларимизни ёт иллатлардан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП фаоллари ва Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари глобаллашув жараёнида ёшларнинг ҳаётий тушуна ва тафаккурини оширишнинг аҳамияти, гиёҳвандликнинг аянчли оқибатларини ёшлар-га кенг тушунтиришга қара-

тилган тарбиявий-маърифий лойиҳалар зарурати хусуси-да фикр юритишди.

Умида Эргашева, Тошкент матбаа-ноширлик касб-хунара коллежи ўқув-чиси:

— Гиёҳвандлик, инсонни ҳалокатга бошлайди. Бу жараёнга ҳеч биримиз томоша-бин бўлмаслигимиз керак. Чунки бу оғу одамлар ўртасида низо чиқаришга, оила-ларнинг бузилишига сабаб бўлади. Биз дарс жараёни-рида бунга чуқур тўхталамиз ва турли видеороликларни томоша қилиб, керакли ху-лосалар чиқарамиз. Ушбу тадбирда айтилган фикр-му-лоҳазалар ҳам биз учун му-ҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Тадбир якунида иштирок-чилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бир қаторда, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти-нинг партия депутатлик гу-руҳлари ҳамкорлигида ёш-лар муаммоларини ҳал қилиш бўйича амалга оши-раётган ишлари билан ҳам яқиндан танишишди.

Бобур ЭЛМУРОВО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЭЪЛОН

Европа Иттифоқи томонидан молия-лаштирилган «Бошқарув кадрларни тайёрлаш дастури (МТР) — Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини ошириш» лойиҳаси (қуйида Лойиҳа деб аталади) Ўзбекистон Респуб-ликаси Савдо-саноат палатаси билан ҳам-корликда Европа Иттифоқи корхоналарида Ўзбекистондаги кичик бизнес корхона-лари менежерлари малакасини ошириш учун аризалар қабул қилишини эълон қилади. Малака ошириш Европа Иттифо-қининг 28 мамлакатидagi корхоналарда амалга оширилиб, улар ўзаро, желишув асосида иштирокчилар ёки лойиҳа томо-нидан танлиниши мумкин.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОМПАНИЯЛАРИДА МАЛАКА ОШИРИШ ДАСТУРИГА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА

Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда кич-ки бизнесни самарали бошқариш ва унинг узоқ келажақдаги барқарор ривожланишини таъминлаш-га қўлдор малакали ва салоҳиятли тадбиркор ҳамда менежерлар сонини кўпайтиришдан иборат. Бу бос-қичда қўйилган мақсадга Европа корхоналарида Ўзбекистондаги кичик бизнес раҳбарларининг ма-лакасини ошириш орқали эришилади.

Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури лойиҳасининг мақсади Ўзбекистонлик менежер-ларнинг бошқарув қўниймаларини ошириш, уларни бизнесни бошқариш ва юритишнинг европача усул-ларига ўқитиш, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилдан иборат. Барча номзодлар малака оши-риш сафарига иштирок этишдан қўланган мақ-садни аниқ кўрсатиши ҳамда бу унинг ва корхона-сининг ривожига қандай ижобий таъсир кўрсати-шини қайд этиши лозим.

Лойиҳанинг тренинг ва малака оширишларида иштирок этиш танланган иштирокчилар учун bepul амалга оширилади. Транспорт билан боғлиқ барча харажатлар (авиачипта учун 400 евро миқдоридagi шахсий тўловдан ташқари), шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларида жойлаштириш визалар, сўғурта лойиҳа маблағлари эвазига қопланади.

Барча талабларга жавоб берадиган кичик биз-нес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари — мене-жерларига малака ошириш учун ариза топши-риш ҳуқуқига эга.

Кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳ-барлари — менежерлари учун талаблар (ва керакли ҳужжатлар) ҳамда лойиҳа янгиликлари батафсил лойиҳанинг веб-саҳифасида www.mtr.eu.uz ва Facebook саҳифасида https://www.facebook.com/mtr.eu кўрсатилган.

Номзодларнинг аризалари 2015 йилнинг 22 июлига қадар қабул қилинади. Аризанинг онлайн шакли лойиҳанинг веб-саҳифасида жойлаштирил-ган.

Махсус изоҳ: танлов жараёни гендер тенглиги масаласини ҳисобга олган ҳолда қандам 20 фоиз аёл номзодларни танлаб олишни кўзда тутати.

Қўшимча маълумотлар учун: Жаноб Григорийс Контзюгу, БКД (МТР) лойи-ҳасининг бошлиғи

Манзил: Амир Темур кўчаси, 4,
Тошкент шаҳри, 100047
Телефон: (+9987) 2335901
Факс: (+9987) 2336406
E-mail: mtr@mtpeu.uz
Web-sahifa: www.mtrpeu.uz



■ Ишлаётган одамнинг рўзғори тўкин, оиласи тинч, кўнгли хотиржам бўлади, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланади. У янги-янги марралар сари интилади. Ишлаётган одам атрофидагиларга ғамхўр ва эътибор-ли бўлишга, янгиллик яратишга, ўз ишини янада кен-гайтиришга, инсонларнинг қорига ярашга ҳаракат қила-ди. Бир сўз билан айтганда, ишлаётган одам оила фаровонлигидан мамлакат фаровонлиги сари қадам ташлайди.



Хизматлар лицензияланган.

Мамлакатимизда аҳоли банд-лигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишларда тижорат банкларининг ўз ўрни бор, албат-та. Айниқса йирик молия муасса-саси ҳисобланган «Агробанк» то-монидан янги иш ўринлари яра-тиш бўйича ташаббуслар эътибор-га сазовордир.

АТБ «Агробанк»нинг Хоразм вилоят бошқармаси жорий йил-нинг шу даврига қадар барча мо-лиялаштириш манбалари ҳисо-

бидан турли тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 118,2 млрд. сўмга яқин кредит маблағлари ажрат-ди. Бунда асосий эътибор кичик бизнес субъектларини, аёллар фаолияти ва оилавий тадбиркор-ликни ривожлантириш, шунинг-дек, коллеж битирувчиларнинг бизнес лойиҳаларини амалиётга жорий этиш масалаларига қара-тилди.

Ўз вақтида сифатли, тўғри кўрсатилган банк хизмати мижоз ютуқларининг гаровидир.

Шухрат ИСЛОМОВ

Миллий банк: аҳоли саломатлиги йўлида

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Давлат дастури асосида жойлардаги тиббиёт муассасаларини зарур жиҳозлар билан таъминлашда Ўзбекистон Респуб-ликаси Ташқи иқтисодий фаолият мил-лий банкининг ҳам ўз ўрни бор.

— Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда лаборато-рия-ташхис жамланмала-ри ҳам ишлаб чиқара-миз, — дейди «Sahovatbu» масъулияти чекланган жамият раҳбари Асқар Сойибназаров. — Улар-га республикаимизнинг кўпгина тиббиёт муасса-саларида талаб катта. Фаолиятимизни кенгай-

тириш мақсадида жорий йилнинг март ойида Миллий банкнинг Мирзо Улуғбек филиалига биз-нес-режамиз билан му-рожаат қилдик. Молия муассасасининг 842 млн. сўм миқдордаги креди-ти ҳисобига ўз биномиз-га эга бўлдик. Бу ишлаб чиқаришни янада кен-гайтиришга имкон ярат-ди.

Айни вақтда корхонада 16 иш ўрни ташкил этил-ган бўлиб, истиқболда уларнинг сонини яна 2 ма-роута кўпайтириш кўзда тутилган. Ҳозир корхонада 12 турдаги лаборатория-ташхис жамланмалари иш-лаб чиқарилмоқда.

Миллий банк
матбуот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.



Бир муаммога қарши қўлланган чора

иккинчи муаммони юзага келтирди

Айрим ижтимоий муаммолар ўта нозикки, эҳтиёткорлик билан ёндошишни тақозо қилади. Бу бо-рада билиб-билмай ташланган қадам эса қўшимча муаммолар пайдо бўлишига олиб келади. Да-нияда кузатилган ҳолатни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.



Гап шундаки, мамлакат маъмури-яти ўлкада ортқича вазнлар сони ортиб бораётганидан ташвишга ту-шиб, 2011 йилда муаммога қарши ку-рашиш мақсадида «ёғ солиғи»ни амалга киритган эди. Таркибида 2, 3 фоиздан ортққ ёғ мавжуд бўлган сут, гўшт ва улардан тайёрланган махсу-лотлар, турли ёғ ва мойларга қўшим-ча солиқ йўғими жорий этилган.

Бу эса таркибида ёғ миқдори юқори бўлган озиқ-овқат махсуло-тлари нархи ошиб кетишига сабаб бўлди. Аҳоли эса 20 фоиз арзон нарх-ларда сотилаётган қўшни Германия-дан ёғ сотиб олишга мажбур бўлди.

«The Wall Street Journal» маълу-мотига кўра, ушбу солиқ туфайли Да-ния иқтисодиёти 170 миллион евро миқдорига зарар кўрган. Шу боис «ёғ солиғи» бекор қилинган.

Дания соғлиқни сақлаш ва дори воситалари миллий агентлиги маъ-лумотларида келтирилишича, айни замонда 47 фоиз даниялик ортқича вазнга эга, 13 фоизи эса семизлик «касали»га дучор бўлган.

Дарвоқе, мамлакат маъмурияти «шакар солиғи» жорий этиш режаси-дан ҳам воз кечган.

«Прогул» қилишнинг сабаби маош билан боғлиқми?

Меҳнат ресурслари институти буюртмасига биноан ўтказилган халқаро сўров натижалари киши-ларнинг хайратга солди: хитойлар билан ҳиндлар дунёдаги энг ашаддий «прогул»чилар экан. Сўровда иштирок этганларнинг ҳар иккисидан бири ҳеч бўлмаган-да бир марта бошлиғига телефон қилиб, касаллиғи боис ишга чи-қолмаслигини айтган. Ваҳоланки, у соппа-соғ бўлган.

Шундай қилиб, хитойларнинг 71 фоизи ёлғон ваҳлар билан ишдан «прогул» қилади. Ҳиндларнинг 62 фо-изи шу йўл билан ишга бормайди, Австралида эса бу рақам 58 фоиз-га, АҚШ ва Канадада 50 фоизга, Буюк Британияда 43 фоизга тенглашиб қолади. Мексика ва Францияда — 38 ва 16 фоиз.



Сўров таҳлиллари шуни кўрсатди-ки, дейилади «Reuters» АА хабарида, қайси мамлакатда ишчи-ҳодимларга юқори маош тўланаётган ва узоқ му-датли меҳнат таътили берилаётган бўлса, уша мамлакатда ёлғон баҳо-налар кам ишлатиларкан.

Барчамизга яхши маълумки, Францияда бугунги кунда ҳақ тўла-надиган мажбурий меҳнат таътили 30 иш кунига тенг бўлиб, бу кўрсаткич дунё бўйича биринчи ўриндадир. Хи-тойда эса 10 иш кунлик мажбурий меҳнат таътили учунгина ҳақ тўлана-ди. Ҳиндистонда бу рақам 12 иш ку-нига тенг.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 30 июндан бош-лаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўлов-лари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*)

■ 1 Австралия доллари	1954,27	■ 1 Канада доллари	2073,00	■ 1 Туркия лираси	944,91
■ 1 Англия фунт стерлинги	4012,80	■ 1 Хитой юани	411,60	■ 1 Швейцария франки	2722,20
■ 1 Дания кронаси	377,02	■ 1 Россия рубли	46,62	■ 1 ЕВРО	2873,61
■ 1 БАА дирҳами	695,82	■ 1 Украина гривнаси	121,61	■ 10 Жанубий Корея вони	22,76
■ 1 АҚШ доллари	2555,60	■ 1 Малайзия ринггити	675,82	■ 10 Япония менаси	208,40
■ 1 Миср фунти	335,16	■ 1 Польша злотийси	672,14		
■ 1 Исландия кронаси	19,33	■ 1 СДР	3594,86		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмagan.

Спорт одамларнинг оиласига, онгига кирди, турмуш тарзига айланди. Ота-оналар ўзлари болаларини спорт тўғаракларига етаклаб келмоқда. Спорт билан шуғулланган ўғил-қизларимиз соғлом, бақувват ва қатъиятли бўлиб улғаймоқда, уларнинг дунёқараши ўзгармоқда. Бир сўз билан айтганда, халқимиз бу борада ҳам уйғонди.

Ислом КАРИМОВ

Қўшработлик қизлар



бадий гимнастика бўйича Олимпиада чемпиони бўлмоқчи

■ Мустақилликкача бўлган даврда Республика терма жамоаларида ўзбек қизларини учратиш мушкул эди. Бадий гимнастика бўйича эса умуман гапирмасе ҳам бўлади. Спортнинг бу тури мамлакатимизда нисбатан кеч оммалашди. Лекин бугун ўзбекистонлик бадий гимнастикачилар нафақат Осиё, балки жаҳон чемпионлари бўлишмоқда. Олимпиада ўйинларида голиб ва совриндорлар сафидан ўрин олишмоқда.

Бугун узоқ-узоқ қишлоқларда ҳам бадий гимнастика саройлари бунёд этилмоқда, қишлоқ қизлари катта-катта мусобақалар шохсунасига кўтарилмоқда.

Шу ўринда савол туғилади. Бу ютуқларга қандай эришилмоқда?

Бунинг қатор омиллари бор. Шулардан бири 2002 йили Президентимиз ташаббуси билан Болалар спорт жамғармаси тузилгани

Қўшработ вилоят марказидан юз километр олисда жойлашган. Бу ердаги Биринчи болалар ва ўсмирлар спорт мактаби олдига кел-

2006 йилдан бошлаб мазкур мактабда бадий гимнастика тўғараги ташкил этилди. Айни пайтда бу ерда спортнинг ушбу тури бўйича 7 нафар малакали мураббий иш олиб бормоқда.

— Ҳозирги кунда 800 га яқин болалар спортнинг 10 дан ортиқ тури билан шуғулланмоқда, — дейди Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Тоҳирхон ТОҒАЕВА.

— Улар орасида республика миқёсида ўтказилган мусобақалар совриндорлари бор. Энг асосийси, ота-оналар бадий гимнастиканинг қизлар соғлом ва баркамол бўлиб улғайишидаги аҳамиятини, англаб етишди. Илгари болалар биз ўқувчиларни жалб қилишга ҳаракат қилган бўлсак, ҳозир ота-оналарнинг ўзлари қизларини олиб келишмоқда. Бир сўз билан айтганда, қисқа вақт ичида спортнинг ҳар бир оилага кириб боришига, оммалашшига эришдик.

— Ҳозир 100 нафарга яқин қиз билан ишлаяпман, — дейди мактабнинг бадий гимнастика мураббийи Гулнора ЖОНИБЕКОВА. — Қизларимнинг кўпи таълимнинг юқори босқичида таҳсилни давом эттирмоқда. Бугун 4 нафар ўқувчим республика хореография олий мактабда, 10 нафарга яқини эса Республика олимпия захиралари коллежида ўқияпти. Кўплари вилоят, республика даражасидаги мусобақаларда голиб бўлган. Ўтган қисқа вақт мобайнида Қўшработда спортчи оилалар вужудга келди. Бир пайтлар куш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяди-ган Қўшработда шундай спорт мактаби қурилади, бадий гимнастикачи қизлар етишиб чиқади деса, тўғриси, ўзим ҳам ишонмасдим.

— Бадий гимнастикачи қизлар билан ишлаш жуда ҳам мароқли, — дейди мактабнинг бадий гимнастика бўйича яна бир мураббийи Нигора МИРЗАЕВА. — Ўқувчиларим орасида катта ютуқларга эришяётганлари бор. Мен улар билан фахрланаман. Матлуба Бердиқулова вилоят биринчилигида голиб бўлди. Райхон Омонова эса 2013 йили «Умид ниҳоллари» мусобақаларида биринчи ўринни қўлга киритди. Бу билан кифояланмасдан доимо ўз устимда ишлаб, чемпионлар чиқаришга ҳаракат қиламан.

— Қизим Фарангиз Тангирова 7 йилдан буён бадий гимнастика билан шуғулланади, — дейди Анаора ЖОНИБЕКОВА. — У 2013 йили ўтказилган вилоят биринчилигида голиб бўлди. Ҳозир қолган фарзандларим



2011 йили Самарқанд шаҳрида ўтказилган республика очик биринчилигида голиб бўлиб, Германияда ўтган халқаро турнирда иштирок этдим. Бу ҳаётимдаги энг унутилмас лаҳзалар эди.

ҳам спорт билан шуғулланмоқда. Шундай соғлом қизларнинг онаси эканимдан фахрланаман. Болаларимизга барча шароитлар яратиб берилганидан жуда миннатдорим.

— Қизим болалигида кўп касал бўларди, — дейди Моҳира ТАҒИРОВА. — Шифокорлар спорт билан шуғулланишини маслаҳат беришди. Уни бадий гимнастикага бердик. Тўғриси айтсам, шундан кейин қизим қачон касал бўлганини эслолмайман. Барча ота-оналарга маслаҳатим бор: вақтни ўтказмасдан фарзандингизни спорт тўғаракка беринг.

— Бадий гимнастика машғулотларига қатнаш бошлаганимдан кейин ўзимга бўлган ишончим ортди. Спортнинг энг яхши томони, унда доимо ғалабага интилиш керак бўлади, — дейди Ирода ШОМИРЗАЕВА. — 2011 йили Самарқанд шаҳрида ўтказилган республика очик биринчилигида голиб бўлиб, Германияда бўлиб ўтган халқаро турнирда иштирок этдим. Бу ҳаётимдаги энг унутилмас лаҳзалар эди. Бизга бутун дунёга чиқиш имкониятини яратиб берган Президентимизга раҳмат айтмоқчиман. Мен у кишини ишонтариб айтаманки, эртага

бизнинг ораимиздан ҳам олимпиада чемпионлари етишиб чиқади.

— Олти йилдан бери бадий гимнастика билан шуғулланаман, — дейди Гулбаҳор МАРДИЕВА. — Очилишни айтсам, бошида ота-онам бунга қарши бўлишганди. Кейинчалик мусобақалардаги ютуқларимни кўриб, бошқа сингилларимни ҳам спортнинг шу турига беришди. Энди оила даврасида асосан бадий гимнастика ҳақида, гаплашамиз.

— Конституциямизнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбур эканликлари кўрсатилган. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда бола тарбиясида бош масъулият ота-она зиммасига юкланган, — дейди Қўшработ туман прокурори Шухрат ТОШТЕМИРОВ. — Фарзандларимизни гиёҳвандликдан, турли жиноятлардан қайтариш йўлини тўғри танлай олишимиз керак. Бу йўл болаларни ўқишга, спортга йўналтириш йўлидир. Спорт билан шуғулланган бола жиноят қўчасига қирмайди, ҳам жисмонан,



Фаррух ҲАМРОЕВ

ҳам маънан соғлом бўлади. Ҳуқуқшунос сифатида шунини айтмоқчиманки, болалар спортга берилаётган эътибор туфайли бугун вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик сезиларли равишда камаймоқда.

— Спорт байрамида иштирок этиб, кўнглимдан шундай ўйлар ўтди: тез орада қўшработлик бадий гимнастикачилар орасидан дунё чемпионлари етишиб чиқади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзАДП фракцияси аъзоси Саҳобиддин АРЗИКУЛОВ.

— Буни уларнинг хатти-ҳаракати, интилиши ва кўзлари билан туришидан сездим. Бугун одамларнинг ҳаётга қарашлари ўзгарди, ота-оналарнинг ўзи болалари ўқишини, спорт билан шуғулланишини истамоқда. Бунинг учун уларга ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Ўзбек оиласида ҳамма бобо-бувиларнинг ўз ўрни бўлган. Шунинг учун ҳам бугун спорт мактабига набирилари етаклаб келаётган, мусобақаларда мухлислик қилаётган кексаларимизга тез-тез дуч келаман. Боласини спортга берган ота-она келажақда фарзанд тарбияси билан боғлиқ муаммоларга дуч келмайди...

...Қўшработдан бир олам таассуротлар билан қайтдим. Фидойи спорт мураббийлари, кўпни кўрган кексалар, ота-оналар ва бадий гимнастикачи қизлар билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Бу мулоқотларда шунинг англадимки, озод юрт одамлари ўз тақдирини, фарзандларини келажақига бефарқ эмас. Ҳа, улар эртага Ватан, Миллат шаъни учун курашади. Ғалаба қозонади. Озод юрт одамлари орзулар осмонда, бахт бағрида, умидлар уммонида яшамоқда.

СПОРТ

Кун кеча Буюк Британиянинг Ноттингем шаҳрида теннис бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Денис Истомин бош совринини қўлга киритди.

Денис Истоминнинг ғалабаси

Моҳир теннисчимиз мусобақанинг саралаш баҳсларида испаниялик Николас Альмагро, аргентиналик Хуан Монако, украинлик Сергей Стаховскийларни мағлубиятга учратиб, чорак финалга йўлланма олди.

Ярим финал йўлланмаси учун кечган баҳсда Денис Истомин аргентиналик яна бир ракетчани Леонардо Майер билан рўбарў келди. Унда мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракетчиси уч сет якунига кўра, рақибдан устун келди — 6/3, 6/7, 7/6.

Финал олдидан ҳамюртимиз Маркос Багдатис (Кипр) билан куч



синашди. Мазкур учрашувнинг дастлабки сетиди киприк теннисчи жароҳатлангани боис, Денис Истомин муддатидан илгари ғалаба қозонди ва ҳал қилувчи учрашувга йўлланмани қўлга киритди.

Бош соврин учун кечган баҳс мухлисларга бир олам заъв ва ҳаяжон улашди. Бир соат 22 дақиқа давом этган финал учрашувиди Денис Истомин америкалик Сэм Куэррини 7/6(1), 7/6(6) ҳисобларида енгди ва бош совринга сазовор бўлди.

Халқаро турнир якунида Денис Истомин бош соврин билан бирга 89.833 АҚШ доллари миқдориди мукофот пули ҳамда 250 рейтинг очкосига эга бўлди. Ушбу муваффақиятдан сўнг, теннисчимиз АТР таснифиди 62-ўринга кўтарилиб олди. Айни чоғда Денис Истомин ҳисобида — 780 очко бор.

Эркин ХОЛБОЕВ

ОБ-ХАВО	30.06-01.07 — 2015
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қарақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+22 / +27	+38 / +43
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+22 / +27	+38 / +43
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+22 / +27	+37 / +42
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+22 / +27	+38 / +43
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+19 / +24	+34 / +39
Тошкент шаҳри	
+23 / +25	+38 / +40
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+29 / +35
Париж	+34 / +39
Москва	+24 / +25
Мадрид	+40 / +37
Пекин	+30 / +33
Канберра	+12 / +12

«Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси Олмасор туман бўлими томонидан Олмазор тумани, Ниязов кўчаси, 19-уй, 110-хонадон эгаси Наркўлов Немаз номига берилган уй плани, кадастр ҳужжати ва 1992 йил 24 декабрда қайд этилган №05-02/686 рақамли давлат ордери йўқолганили сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманида рўйхатга олинган «SUN GLOW TEXTILE» МЧК (ЙИН 302 514411)

ТУГАТИЛАДИ.

Давло ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомиди +99890 357-95-52 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Бўш иш ўринлари ярмаркасида

61 нафар фуқаро ишга жойлашди

Хатирчи туманида ўтказилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси туман ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда тумандаги 53 корхона ва ташкилот ўзининг мавжуд иш ўринлари билан қатнашди. Шу кун 61 нафар фуқаро ишга жойлашиш учун йўлланмага



мана шундай меҳнат ярмаркалари ташкил қилинди, — дейди, Навоий вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза

қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Олим ШОМУРДОВ. — Натижада ушбу ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 254 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди. Йил охиригача яна 30 мартаба ярмарка ўтказиш кўзда тутилган.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон XXIV миллий чемпионати олий лига жамоалари ўн тўртинчи тур учрашувларини ўтказди.

Яна бир турдан сўнг

футбол бўйича олий лига жамоалари биринчи давра учрашувларини якунлайди

Асосий ўйинлардан бири Тошкентда «Пахтакор» — «Насаф» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда пахтакорчилар ишончли ғалабани қўлга киритди — 3:1. Пойтахтимизда кечган «Бунёдкор» — «Олмалик» жамоалари баҳси ҳам кўпчилиқда катта қизиқиш

уйғотди. Унда Элдор Шомуродов киритган ягона гол бунёдкорчиларга муҳим уч очкони тақдим этди — 1:0.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Навбахор» — «Шўртан» — 4:2, «Динамо» — «Андижон» — 2:1, «Машъал» — «Локомо-

тив» — 1:3, «Металлург» — «Қўзилқум» — 4:2, «Нефчи» — «Бухоро» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Қўқон-1912» — 2:1.

Биринчи давранинг охириги тур баҳслари 30 июнь ва 1 июль кунлари бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihdiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659

17819

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 20.40

Topshirilgan vaqti — 00.45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

7772010763306

1 2 3 5 6